*Халқ зиёлилари рўзномаси*

# Маърифат
معرفت
MARIFAT

*1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган*

1993 ЙИЛ 7 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

№ 24 (6535).
Баҳоси 5 сўм.

*Ислом КАРИМОВ:*

# ЭНДИ БИЗ—ЎЗБЕК ВА ТУРК ХАЛҚЛАРИ АБАДИЙ БИРГАМИЗ!





4 АПРЕЛЬ. Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол раҳбарлигидаги расмий давлат делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда.

Мустақил диёримиз осмонида пайдо бўлган улкан «Боинг—737» тайёраси она заминимизга келиб қўнади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов меҳмонга пешвоз чиқади. Дўстлар, қардошлар бир-бирлари билан дийдорлашади.

Шаҳар ташқарисидаги қароргоҳда Ислом Каримов ва Турғут Ўзол яна бир карра қучоқ очиб кўришдилар. Ўзбекистон Президенти Хоразм чеварлари Турғут Ўзол сиймосини нақшлаган гиламни меҳмоннинг ўзига совға қилди.

Эсдалик совғалари улашилгач, икки Президент якка-якка мулоқотга киришди.

«Дўрмон» меҳмонхонасининг мажлислар залида Ўзбекистон ва Туркия расмий вакилларининг музокаралари бўлиб ўтди. Музокараларда Ўзбекистон томонидан Республика Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Ташқи ишлар вазири С. Сафоев, Туркия томонидан эса Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин ва бошқа расмий кишилар қатнашди.

5 АПРЕЛЬ. Дўст мамлакат делегацияси ташрифининг иккинчи куни хайрли ишдан бошланди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Президенти Турғут Ўзол жаноблари бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида бугун эрталаб Алишер Навоий хотирасини эъзозлаш ниятида Ўзбекистон миллий боғига келди.

Ҳурматли меҳмонни олқишлаб шаҳар жамоатчилиги вакиллари, меҳнат фахрийлари, талаба ва кичкинтойлар пешвоз чиқдилар. Туркия ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари улуғ бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйиб, эҳтиром изҳор этдилар.

Пойтахтимизнинг Халқлар дўстлиги саройида икки давлат раҳбарлари ўртасидаги музокаралар давом эттирилди.

Битимларни имзолаш маросимида Турғут Ўзол бошчилигидаги Туркия давлат делегацияси вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Ўзбекистоннинг Туркиядаги фавқулодда ва мухтор-буюк элчиси У. Абдураззоқов, Туркиянинг Ўзбекистон Республикасидаги буюк элчиси Вулқон Чўтур ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Шундан сўнг икки қардош давлат раҳбарлари матбуот вакиллари билан учрашдилар.

Улар журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб бердилар.

Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Маҳкаманинг улкан залида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идораларининг раҳбарлари, Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан учрашув бўлди. Самимият ва юксак руҳ ҳукм сурган учрашув якунида Ўзбекистон Президенти Туркия Президентининг мамлакатимиз келажагига билдирган ишончи ҳамда халқимизга меҳри учун миннатдорчилик изҳор этди.

Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол шу куни Тошкентнинг кўркам манзиллари билан танишди.

Шу оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти Туркия Республикаси Президенти шарафига зиёфат берди.

**СУРАТЛАРДА: 1. Тошкент аэропортидаги дийдорлашув. 2. Ислом Каримов олий мартабали меҳмонни қутламоқда. 3. Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш. 4. Икки давлат раҳбарининг матбуот конференцияси. 5. Битимларни имзолаш маросими.**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ,**
**А. ЗУФАРОВ ва**
**Р. НУРИДДИНОВ**
**олган суратлар.**









## ПРЕЗИДЕНТЛАР ЛИЦЕЙДА

Бир неча кундирки, Ўзбекистон ўзининг ҳароратли қучоғида қардошлари бўлган туркиялик меҳмонларни қутламоқда. 5 апрель куни Туркия Президенити Турғут Ўзол Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Тошкент шаҳри ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ҳамроҳлигида ўтган йили Тошкентда Ўзбекистон — Туркия маърифий алоқаларининг илк нишонаси сифатида иш бошлаган ўғил болалар турк лицейига келганда, туркиялик муаллимлар ҳам мезбон сифатида уларга пешвоз чиқишди.

Меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Ўзбекистондаги лицейлар бош директори Махмат Четинқоя, Тошкентдаги турк лицейи директори Фотиҳ Рушттий Зор ва бошқалар кутиб олишди.

Делегация аъзолари турк лицейи ўқув хоналарини, спорт залларини, овқатланиш ва дам олиш масканларини кўздан кечиришди. Бўлиб ўтган қисқача суҳбат давомида лицей ходимлари олиб бораётган ишлари, режалари хусусида президентларга сўзлаб бердилар. Кўрсатаётган беқиёс ёрдамлари учун уларга ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Турғут Ўзол ҳамда Ислом Каримов келгусида шу каби ўқув даргоҳларини кенгайтиришга, янгиларини очишга кўмаклашажакларини айтишди. Турғут Ўзол қўлларида икки давлат байроқчаларини ҳилпиратиб, меҳмонларни қутлаётган лицей толибларининг бошини силаб, уларни янада янги зафарлар қучиб, Ўзбекистон — Туркия ўртасида пайдо бўлган ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.

Турк лицейи муаллимлари ҳамда талабалари томонидан ижро этилган Ўзбекистон ва Туркия давлатлари мадҳиялари уларнинг ўз ўлкасига содиқлиги ҳамда қардошлари давлатига чексиз ҳурматлари намунаси сифатида жаранглади.

**А. РАҲИМОВ,**
**махсус мухбиримиз.**

## ЯНГИ ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ

**Амударё туманининг Қипчоқ посёлкасидаги 3-мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати учун типовой лойиҳа асосида 844 ўринли янги, муҳташам бино барпо этиляпти. Қурилиш 1990 йилда бошланган. Уни 166-қурилиш трестига қарашли 390-кўчма механизациялашган колонна жамоаси бунёд қилаяпти.**

**Янги илм-ҳунар даргоҳи ҳудуди 3 гектару 600 сотих майдондан иборат. Демак, қурилиш битгач, ўқувчилар, муаллим ва усталар учун барча имкониятлар мавжуд бўлади. Ҳозирги пайтда бу ерда 37 киши бунёдкорлик иши билан банд. Маҳмуд Давлетов ва Ёдгор Абдалов бошчилигидаги иккита комплекс бригада қурувчилари фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Қурилиш прорабы Икром Ўрозалиев етук мутахассислардан бири экан.**

**— Қурилиш материалларимиз етарли, техникамиз ҳам бор, — дейди у биз билан суҳбатда. — Комбинатнинг янги биноси икки блокдан иборат бўлади. Бир блоги 3 қаватли, иккинчи блоги икки қаватли қилиб қуриляпти. Спорт зали ҳам бўлади. Объектни шу йили сентябрда фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилаяпмиз.**

**Ғ. ЁҚУБОВ.**
**Ўз мухбиримиз.**

## ЖАНГЧИ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Ангор туманидаги «Занг» жамоаси хўжалигининг «Гиламбоб» ўйингоҳида марҳум жангчи Абдумалик Хушбоқов хотирасига бағишланган спорт беллашуви бўлиб ўтди. Хотира турнирида тумандаги 20, 22, 27, 28 ва 30-мактабларнинг командалари иштирок қилдилар.

Мактабларнинг ўқувчиларидан ташкил топган командалар спортнинг футбол, волейбол ва бошқа турлари бўйича куч синашишди. Мусобақа ғолибларига марҳум жангчининг собиқ синфдошлари йиғган 15000 сўм маблағ ҳисобидан турли эсдалик совғалари ва пул мукофотлари берилди. Мукофотларни ғолибларга марҳум жангчининг акаси Тожимурод Хушбоқов топширди.

**Шерали ЮСУФ ўғли.**

## КИЧКИНТОЙЛАР ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

**Болалар боғчаларининг тайёрлов гуруҳларида чет тилини ўргатиш яхши самара бераётир. Қўрғонтепа туманидаги 5, 20-болалар боғчаларида инглиз тилини ўқув йили бошидан ўргатиш бошланди. Тажрибали ўқитувчиларнинг интилишлари, меҳнатлари зое кетмаяпти. Яқинда «Нилуфар» болалар боғчасида инглиз тилини ўргатиш бўйича туман семинари ўтказилди. Семинар қатнашчилари, 1-ўрта мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Инобатхон Хўжамбердиеванинг болалар боғчасидаги жажжи талабаларнинг бу тилни қисқа вақт ичида анча ўрганиб олганликлари хусусидаги фикрларини тинглашди.**

**Келгуси ўқув йилидан бошлаб яна тумандаги 10 та болалар боғчасида, мактабларнинг 2 — 3-синфларида ёппасига инглиз тилини ўргатиш режалаштирилди. Улар учун катта опалари 35-ўрта мактабнинг инглиз тили ўқитувчилари А. Маҳмова, Т. Мадаевалар ажойиб қўлбола дарслик яратдилар. Бу дарслик ҳозир вилоят мактабларида ҳам зарур қўлланма сифатида ишлатилмоқда.**

